

Тақдиримсан,
бахтимсан,
эркин ва
обод Ватан!



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 28-iyul, shanba № 60 (8501)

ХАР НАФАСДА БАХТНИНГ ОВОЗИ КЕЛАР...



Эй, она Ватан, қандай сеҳринг бор? Тўрт ёнингда елса, қувончлар елар. Майдонга тушганда Барчинойларинг, ҳар нафасдан бахтнинг овози келар. Улар гулқизларинг, гулхонадонинг — дилбар бекалари, сулув келинлар. Миллатнинг эртасин кўксига босган, ҳар жабҳада ғолиб, сўзи ширинлар. Юрагида ўти бор асли уларнинг. Нозик билагида юз шернинг кучи. Шундан қиличлари қайрилиб кетар, ёнингга йўғолмас ҳеч бир ёв кучи.

Эй, она Ватан, аёлни суюб, қадрлаб топганинг — обрў, шон бўлди. Улуғлаб вафони, садоқат, орни етганинг — хуш кунлар, оппоқ тонг бўлди. Бугун ҳар қизингга Зулфияхоним гўзал фазилатин чизгилари бор, шундан болаларинг пешонасида жилмайиб туради бахт ила иқбол!

Ҳа, мустақиллик йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги маъқеини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Биргина Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилишиёқ иқтидорли қизларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаб, янги муваффақиятлар сари рағбатлантириш бобида янги саҳифа очди, десак муболага бўлмас. Бугун ўзидаги ички жасорат, гўзал фазилатларни намоян этишга иштиёқманд юзлаб оловқалб қизларимиз жамиятимизнинг турли жабҳаларида қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган ўн йил давомида 182 нафар қизларимиз ушбу нуфузли мукофотнинг соҳибалари бўлишди.

(Давоми 2-бетда.)

Илм-фаннинг мамлакат тараққиётида тутган ўрни бекиёс. Айниқса, тобора шиддат олаётган бугунги замонда илм-фан ҳал қилувчи куч сифатида ҳам намоён бўлаётир, десак муболага эмас.

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ КАДРЛАР СИФАТИ ЯНАДА ОРТАДИ

Шундай экан, ҳар қандай ривожланган жамиятда илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатини яхшилаш, тизимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши табиий. Шу маънода яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон аини муддао бўлди.

Ҳаммамизга маълум, истиқлолга эришилгандан сўнг таълим тизимининг барча турлари, хусусан, олий таълимда ҳам аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Бундай ислохотлар ўзининг юксак самарасини бераётганини кўриб, билиб турибмиз. Олий ўқув юртидан кейинги таълимда ҳам ўз

истеъдоди, илмий салоҳиятини намоён этиш учун ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани эса кундек равшан. Мана шундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида ёш олимларимиз эришаётган ютуқлар бугун дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётгани кувонарли, албатта. Илм-фани янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш давлат сиёсатида кўзда тутилган асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу эса илм йўлида эзгу ният-мақсадлар билан дадил қадам ташлаётган ёшларни қувонтириш билан бирга масъулият ҳам юклайди.

(Давоми 2-бетда.)

ДАПИПАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Қурилиш ва архитектура агентлиги раҳбарининг ўринбосари Нурали Саидов 2012 йил 16 июль куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу йил 12 июлда «Правда Востока» газетасида чоп этилган мақолада қўтарилган Роғун ГЭСи қурилиши масаласи юзасидан изоҳ берди.

Н.Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида «фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётгани»га ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин, қанчалик уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томони мазкур ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил халқаро экспертизадан ўтмагунича Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузаётгани ҳақида халқаро ҳамжамият ташвишига тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Хусусан, тожикистонлик мазкур мансабдор шахс Вахш дарёсини тўсишга тайёрлаш борасидаги қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётганини тан олишга мажбур бўлди. У «иккита сув ташлайдиган туннелни тўлиқ ва сифатли қуриб битказишимиз керак. Ҳозир туннеллар деворларини қайта цементлаш ишлари олиб боришмоқда», деб очиқчасига баёнот берди.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЗУККО ВА БИПИМДОН ЁШЛАР

олий таълим муассасаси талабаси
деган фахрли номга эга бўлишади

3-бет

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

5-бет



ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ БОШПАНДИ

15-бет

22,7 МАРД. СЎМ

коллеж битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштиришга йўналтирилди

Миллий матбуот марказида «Банк тизимида миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган тадбирда «Davt-bank», «Infinbank», «Orient finans bank», «Asia alliance bank» вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Шухрат Ҳайдаров ва бошқалар, мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар олиб борилаётгани тўғрисида таъкидлаб ўтдилар. Банк тизимида олиб борилаётган савй-ҳаракатларнинг барчаси бозор муносабатларини халқаро меъёрлар ва стандартларга мос равишда ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Анжуманда банклар томонидан миқозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни юқори савияда ташкил этишга катта эътибор қаратилаётгани, жумладан, тижорат банкларидан миллий валютада ҳисоб рақами очган кичик бизнес субъектларидан тўлов ундириш бекор қилингани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини уч кун муддатда қўриб чиқиш тартиби ўрнатилгани каби қулайликлар яратилаётгани ҳақида сўз борди.

— Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимиз банклари томонидан кичик тадбиркорлик тузилмаларига ажратилган кредитлар миқдори 2,9 трлн. сўмни ташкил этди, — дейди Марказий банк кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Ақтам Сайфуллаев. — Бу ўтган йилнинг шу давriga нисбатан 1,4 баравар кўп дегандир. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштириш учун ажратилган кредитларнинг ўтган олти ойлик кўрсаткичлари 22,7 млрд. сўмни ташкил этиб, бунда ҳам 1,8 баравар ўсишга эришилди. Битирувчиларнинг бизнес режалари танлов асосида саралаб олинган.

МУХБИРИМИЗ

ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу билан бирга, машина ва трансформатор заллари ичиде асосий қурилиш ишлари ниҳоясига етиш арафасида экани таъкидланди. «Биз аввало, бу ишларни сифатли яқунлашимиз, шундан сўнггина Вахш дарёси ўзанини тўсишга киришишимиз лозим», — деди Н.Саидов. Унинг айтишича, «Роғун ГЭСининг икки агрегати учун деярли барча зарур ускуналар тайёрланган ва олиб келиб қўйилган». Шу билан бирга, у «айни пайтда Роғун ГЭСи қурилиши майдонида саккиз минг нафардан ортиқ қурувчи, жумладан, чет эллик қурувчилар ишлётгани»ни маълум қилди.

Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси қурилиши жадал суръатда давом эттирилаётганини тасдиқлайди. Ушбу баёнотда «Роғун ГЭСи лойиҳасини бюджетдан молиялаштириш бўйича 2012 йил учун 210 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмайди», деб қайд этилган.

Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баландпарвоз ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдەк ҳис қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқ-

дориде «лутфан» тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертизанинг қутилаётган натижалари уни асло жиловлал олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертизаси натижалари бўйича Роғун ГЭСи қурилиши танланган мазкур майдонда улкан тўғон қурилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки унинг пой-девори 100 метр қалинликдаги туз қатламида жойлашгани ва у ерда Рихтер шкаласи бўйича 9—10 балли zilзилалар тез-тез рўй бериб, тоғ жинслари кўчиб туриши ҳақида хулосага келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади?

Иккинчидан, балки юқорида зикр этилган «мустақил» экспертизани ўтказишдан мақсад қурувчилар ва буртмачиларнинг жорий фаолиятини ниқоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик хушёрлигини сусайтириш ҳамда пировардида, уларни ушбу объект қурилишини ортга қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томонини халқаро ташкилотлар, институтлар ва тадқиқот ташкилотларини бу тарзда чалғитишга уринишлар гўя аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантиради.

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ КАДРЛАР СИФАТИ ЯНАДА ОРТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сир эмаски, номзодлик диссертациясини ёклаш ва илмий даражага эга бўлиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб қолгани туфайли бу борада суистеъмолчилик ҳолатлари учраб туради. Бу ҳақда мазкур Фармонда ҳам таъкидлаб ўтилган. Фармонни синчиклаб ўқиш, ушбу ҳужжат халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, илмий ва илмий-педагогик кадрлар сифатини янада яхшилаш, энг муҳими, мамлакатимиз илм-фани тараққиётини кўзлаб қабул қилинганига амин бўлдик.

Фармонда таъкидланганидек, ушбу ҳужжат олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва

аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислохотларни, илгор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислох қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Фармонда бакалаврият ва магистратура стандартларига ўтказилгандан сўнг номзодлик диссертацияла-

рини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча экани айтилиб, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ёклашни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлиги қайд этилган. Бу эса биз стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар учун катта имконият ва рағбат дегандир. Айни пайтда мен илмий тадқиқот олиб бораётган Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари фаолиятдан ҳам сезиш мумкинки, улар энди ўз илмий тадқиқот ишларига янада масъулият билан ёндашиб, имкониятдан тўғри фойдаланишга астойдил бел боғлашган.

**Б.ФАЗЛИДИНОВ,
тадқиқотчи**



ҲАР НАФАСДА БАХТНИНГ ОВОЗИ КЕЛАР...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Обод юртнинг бахтли қизлари» дея номланган тадбир ҳам ана шундай мукофот соҳибаларидан ўн беш нафарининг спорт соҳасида эришган муваффақиятлари тақдиримотига бағишланди.

— Сизларни болалигингиздан қўлингиздан тутиб спорт мактабларига олиб борган ота-онангиз, яқинларингизга ташаккур билдирамиз, — деди жумладан қизларни қутлар экан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова. — Сизларни зўр жисмоний ва руҳий тайёр-гарликларда чинқортирган устозларингизга раҳмат айтамыз. Сизни муваффақиятлар сари йўллаб, ҳар қандай машаққатларга

бардош беришга ўргатган ҳам ота-онангиз, Ватанингиздир!

Дарҳақиқат, нигоҳларида ўзбекона ибод, ҳаё, назокат уфуриб турган бу қизларнинг республика ва халқаро миқёсдаги беллашувларда иштирок этиб, шода-шода медалларни қўлга киритгани қисқа вақт ичиде Ўзбекистоннинг ҳақиқий маънодаги спорт мамлакатига айланганини далиллаб турарди.

— Отам қаратэ тўғарагига бошлаб борганда жуда ёш эдим, — дейди андижонлик Дурдона Қорабоева. — Шу-шу спорт ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Мамлакатимизда, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик, яратилган шарт-шароитлар менинг ўз устимда тинимсиз ишлаб, олдинга интилишимга замин яратди.

Тадбир ниҳоясига қизларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ойбуви ОЧИЛОВА
О.МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.**

1 avgust — test sinovlari kuni toбора яқинлашмоқда. Бу — ўз ақлу заковатиға ишонган, талабалиқ даъвоғар ёшлар учун катта довон. Шундай паллада кўпчилиқни қайси таълим йўналишиға талабгорлар кўп бўлгани, абитуриентлар қайси институт ёки университетға қабул квотасиға нисбатан энг кўп ҳужжат топширгани, жорий йилги синов жараёниға қандай ҳозирлик кўрилгани қизиқтириши табиий. Мухбиримиз ҳаяжонли ва масъулиятли синов арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВға ушбу жараён билан боғлиқ қатор саволлар билан мурожаат қилди.

— Жорий йилда олий таълим муассасаларига абитуриентлардан тушган аризалар сони қанчани ташкил этди ва бунинг ўтган йилги кўрсаткичлар билан қиёслаганмиз?

— Олий таълим муас-

соғлиқни сақлаш вазирлиғи тасарруфидаги олий таълим муассасаларида бир ўринга ўртача 10,2 нафар, Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалиға эса бир ўринга ўртача 21,5 нафар абитуриент тўғри

ассасаларидаги таълим йўналишлари ҳар йили иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари ривожланишиға нисбатан янгилашиб бормоқда. Хусусан, бу ўқув йилидан ҳам ахборот коммуникация, компьютер-технологиялари, иқтисодиёт ва аграр соҳаларидаги бир қанча таълим йўналишларида иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқларига мос кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Албатта, юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу соҳаларға ҳам абитуриентларимиздан қўллаб аризалар тушди. Чунончи, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари тараққиёти, энг аввало, таълим муассасаларида тайёрланаётган

ялар тест синовларини ўтказишға маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қабул комиссиялари ёрдамида тайёрлаб қўйилди. 30 мингдан ортиқ аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар тест синовларини белгиланган тартибда ўтказишға тайёрланди. Давлат тест маркази вакиллари яқинда ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовларида амалий кўникмаларини яна бир бор мустаҳкамлаб олишди. Улар 30 июль кунини олий таълим муассасаларида ўтказилади-ган бош репетицияда ҳам амалий кўникмаларини яна бир бор синаб кўришди.

Abituriyent — 2012

лаҳатлар берган бўлардингиз?

— Аввало, барча абитуриентларимизға омад ёр бўлишини тилаймиз. Шунинг баробарида, қабул жараёниға оид муҳим янгиликни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатиға талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомға Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 июлдаги 205-сонли қарорининг 2-илосаси билан ўзгарти-

ЎЗЎҚО ВА БИЛИМДОЧ ЁШЛАР

сасаларига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш ишлари жорий йил 20 июль кунини якунланди. Ўтган йиллардан маълумки, олий таълим муассасаларига ўқишға кириш учун талабгор ёшларимиз сафи йилдан йилға кенгаймоқда.

Бу йил республикамиздаги олий таълим муассасаларига жами 432017 нафар абитуриентдан ариза тушди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилгидан 13293таға кўп. Олий таълим муассасаларига белгиланган қабул квоталарига нисбатан оладиган бўлсак, бир ўринга ўртача 7,6 нафар абитуриент тўғри келади.

Айтиш жоизки, республикамизда олий таълим муассасаларидаги таълим йўналишларига талаб йилдан йилға ортиб бормоқда. Айтиликки иккинчи йил олдин абитуриентлардан тушаётган аризалар бир ўринга 4-5 нафардан тўғри келса юқори кўрсаткич ҳисобланарди. Бугун эса, мазкур ҳолат олий таълим муассасаларидаги танловға нисбатан олганда ўртача кўрсаткичдан ҳам паст бўлиб қолди. Шунинг учун бугунги кунда қайсидир таълим йўналишиға абитуриентларимиздан аризалар қабул квотасиға нисбатан кам ёки бир ўринга битта тушмоқда, деб айта олмаймиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи тасарруфидаги олий таълим муассасаларига ўтган йилға аризаларға нисбатан 5492 та кўп ариза тушган.

олий таълим муассасаси талабаси деган фахрли номға эга бўлишади

келади.

— Педагогика олий таълим муассасаларига қанча абитуриентдан ҳужжат қабул қилинди?

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи тасарруфидаги Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтларига 52274 нафар абитуриент ариза берган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилға нисбатан 4312 нафарға кўп. Республикамиз педагогика институтлари орасида бу йил Жиззах давлат педагогика институтига 18341 нафар абитуриент ҳужжат топширган (ўтган йилги кўрсаткичға нисбатан 3392 нафар абитуриент кўп ариза берган). Абитуриентларимиздан тушаётган аризаларни таълим йўналишлари бўйича ҳам таҳлил этсак, ўқувчи ёшларимизнинг мазкур соҳаға қизиқиши ошаётгани аён бўлади.

— Бу йил қайси таълим йўналишларига қизиқиш ва талаб ўзгарди?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2011—2016 йиллар давомида бакалаврият таълим йўналиши 165 таға камаяди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, олий таълим му-

кадрлар салоҳияти билан белгиланади. Шу маънода давлатимизда амалға оширилаётган изчил ишловлар нафақат кадрлар тайёрлаш сифати, балки иқтисодиётнинг ўзгараётган соҳа ва тармоқларига тўғридан-тўғри мослаша оладиган рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш вазифасини ҳам келтириб чиқаради.

— 1 август — тест синовлари кунини. Ушбу жараёнға қандай ҳозирлик кўриляпти?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 май кунини қабул қилинган "2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги ПҚ-1751-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича Давлат тест марказида чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда барча ишлар белгиланган муддатларда бажариб келинмоқда. Шу ўринда айтишимиз ўринлики, мамлакатимиз ҳукмати томонидан беvosita кўрсатилаётган амалий ёрдам натижасида Давлат тест марказининг моддий-техник салоҳияти бир неча баробар ошди, хусусан, абитуриентларимиз учун тест материаллари тайёрлаш ва натижаларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган техника воситалари тубдан янгиланди.

Бундан ташқари, 450таға яқин бинолар, 13 мингдан ортиқ аудитория-

Албатта, ҳар бир тадбирни ўзига хос масъулият билан ўтказишда асосий ўрин тутадиган ишловлар нафақат аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари зиммасига тушади. Улар бу йил етарли тарқатма материаллар билан таъминланди, тест синовларини ўтказишға оид фильм яратилиб, ҳар бир мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларига етказилди. Чунки аудитория раҳбари ва кузатувчиси сифатида иштирок этадиган педагог ходимлар мазкур таълим муассасаларидан жалб этилади.

Айтиш жоизки, Давлат тест маркази тест синовларини ўтказишға ташкилий жиҳатдан тайёргарлик кўриш билан бирга, тест саволлари китоби ва жавоблар варақасини ҳам ҳар бир абитуриент учун мукаммал тарзда тайёрлаш ишларини поёниға етказди. Бугунги кунда тест синовлари ўтказиладиган фанлардан янгиланган тест саволлари жамғармаси ўртача 300 мингтани ташкил этса, тест синовлари ўтказиладиган фанлардан ўртача 5 мингдан ортиқ тест саволлари давлат таълим стандартлари доирасида янгидан ишлаб чиқилди.

— Тест синовларига қирадиган абитуриентларға, қолаверса, уларнинг ота-оналари, устозларига қандай мас-

риш киритилди. Жумладан, абитуриент тест синовлари ўтказиладиган биноға микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришға ҳақарат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомида тест материалларини бошқа абитуриентға узатса ёки ёрдам берса, тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва Давлат тест маркази вакили томонидан далолатнома тузилиб, тест жараёнидан четлаштирилади. Ушбу ҳолатға ота-оналар ва устоз-мураббийлар ҳам алоҳида эътибор қаратишса, фойдадан холи бўлмайди. Чунки абитуриент нафақат аудиторияға киргандан кейин, балки биноға киришда ўзи билан ортиқча нарсалар олиб келса, ўша жойнинг ўзидаёқ тест синовлари тартибини бузгани учун тест синовларидан четлатилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, олдинги тартибда "тест синовларига абитуриент" деб белгиланган эди, тегишли ўзгартириш киритилгандан кейин мазкур тартиб "тест синовлари ўтказиладиган биноға киришда абитуриент" деб ўзгартирилди. Шунинг учун тест синовларига келаётган абитуриент ўзи билан фақатгина абитуриент рўхсатномаси ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни олиб келиши мақсадға муvофиқ бўлади.

Курбонбой
МАТКУРБОНОВ
сўхбатлашди.



❖ Тошкент шахрининг Сергели туманида Касб-хунарга ўқитиш маркази иш бошлади.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги – KOICA ҳамкорлигида очилди.

Айни пайтда жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ишлаш истагидаги минглаб ёшлар корхоналарнинг буюртмасига кўра янги, замонавий касбларга ўқитилмоқда. Бунда юртимиздаги 217 базавий касб-хунаро коллежлар ҳамда касбга тайёрлаш марказлари имкониятидан унумли фойдаланилмоқда.

Марказ замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, ускуналар, дастгоҳлар ўқув қуроллари ва қўлланмалар билан жиҳозланган. Бу ердаги ўқиш жараёни корхоналарнинг ишчи-мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда назарий ва амалий машғулотлар асосида ўтказилади.

Марказда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ўқувчилар учун 100 ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. Энг асосийси, марказда касб тайёргарлигидан ўтган ёшларнинг барчаси иш билан тўлиқ таъминланади.

❖ Нукусда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» танловларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, «Микрокредитбанк» ва «Агробанк» филиаллари ҳамийлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ушбу танловларнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 31 нафар йигит-қиз хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид бизнес ғояларини намойиш этди.

«Ёш тадбиркор – юртга мададкор» танловида тахиятошлик Шарапбек Рейимовнинг сартарошлик, тахтакўприлик Зухра Султонованинг аёллар либослари дизайнига оид бизнес режалари энг яхши деб топилди.

«Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» танловида эса КеҒейли туманидан Баҳодир Адилчаевнинг иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, Кўнгирот туманидан Азизбек Медетовнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Тозабой Измухановнинг чорвачиликни ривожлантириш ва ўқтам Жумабоевнинг ун тегирмони қуриш бўйича бизнес лойиҳалари юқори баҳоланди.

❖ Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Оила институтини мустаҳкамлашда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур семинарда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти журналистлари қатнашди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар билан халқимиз, кенг жамоатчиликни атрофича таништириш, эзгу сий-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, чуқур ва таҳлилий тарзда очиб бериш журналистлардан билим, маҳорат, ихтисослашувини талаб этади.

Семинарда оила манфаатларини таъминлашга оид миллий ва халқаро қонунчиликни пухта ўрганиш, бу борада журналистларнинг касб малакасини оширишга оид масалалар ҳақида атрофича сўз юритилди.

❖ Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси пресс-клубининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари: ҳамкорлик ва самара» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида жамоат ташкилотлари фаолиятини чуқур, таҳлилий асосда ўрганиб тайёрланган материалларни кўпайтириш давр талабига айланган. Бу эса журналистларнинг касб малака ва маҳорати, соҳага оид янгиликлар ва маълумотларни нечоғлик пухта ўзлаштиришга бевосита боғлиқдир.

Тадбирда жамоат ташкилотлари фаолиятига оид илғор иш тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни такомиллаштиришга доир масалалар атрофича муҳокама этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Журналистнинг касбий маҳорати

Пойтахтимизда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш: касбий маҳорат, фидойилик ва журналистларнинг фуқаролик масъулияти» мавзусида уч кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган семинарнинг асосий мақсади — демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда Президентимизнинг шу йил матбуот ва ОАВ ходимлари-га йўллаган табригида айтиб ўтилган масалаларни ёритишда журналистлар фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.

Семинарда давлат ва хўжалик органлари фаолиятини назорат қилишда ви-

лоят ва ҳудудий ОАВнинг ролини ошириш, ижтимоий ислохотлар самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этишда журналистлар фаоллиги, сезгирлиги ва ташаббускорлиги муҳим омил бўлиши кераклиги таъкидланди.

Таҳлилий ва танқидий материалларни тайёрлашга оид амалий машғулотлар ҳам ўтказилди.

МУХБИРИМИЗ

Меҳр ардоғида

Yoz — 2012

Таълим, фан ва маданият ходимлари касбаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғидаги болалар оромгоҳида ташкил этилган наватбдаги маънавий-маърифий тадбир болаларга бир олам қувонч улашди.

Дарвоқе, Чорвоқ сув омбори соҳилидаги бу сўлим масканда айни кунда Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи ва вилоятдаги 3та махсус мактаб-интернатнинг икки юз нафар тарбияланувчилари ҳордиқ чиқармоқда.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» дея номланган тадбирда болалар шўх-шодон куй-қўшиқларга жўр бўлиб рақсга тушишди ва ана шу кўтарин-

ки кайфият билан спорт беллашувларида иштирок этишди.

— Мен шахмат-шашка мусобақасида ғолибликни қўлга киритиб, касбаба уюшмасининг ажойиб совғалари билан тақдирландим, — дейди Бўстонлиқ туманидаги 6-сонли махсус мактаб-интернат тарбияланувчиси Динара Камолова. — Кўрсатилган меҳр-муҳаббат кўнглимни тоғдек кўтарди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

Битирувчилар мураббийликни бошлашга тайёр

Наманган Олимпия захиралари спорт коллежининг 276 нафар битирувчисига мутахассислик дипломларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг аксарияти спортчи сифатида етарли тажриба ва малака орттирган ҳамда педагогик фаолиятини бошлашга тайёр кадрлардир.

Хусусан, волейболчилар Фарҳод Ғаниев ва Ҳусниддин Улуғов, теннис устаси Земфира Сулаймонова, боксчи Анвар Абдусатторов ҳамда каратэчи Ҳошимжон Шохидов коллежда таҳсил

олиш баробарида бир неча бор мамлакат ва халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлган.

Битирувчиларнинг устозлари, вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ва-

киллари ҳамда ота-оналар қатнашган тантанали маросим кўтаринки ва тантанали руҳда ўтди. Кўплаб ғолиб спортчи-ўқувчиларга «Энг яхши спортчи», «Энг яхши ўқувчи» ва «Намунали ўқувчи» номинациялари бўйича фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғанишер АҚБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ёзги ҳордиқ завқи

Tadbir

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қошидаги Ахборот-консалтинг хизмати «Sen yolg'iz emassan» болалар жамоатчилиги жамғармаси билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналари учун «Ёзги ҳордиқ завқи» шиори остида байрам тадбири ўтказди.

Тадбирда марказ томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар эътироф этилди. Ота-оналар фарзандларининг саломатлиги яхшиланаётганидан мамнун эканликларини айтиб ўтдилар.

— Набирам марказга қатнамасидан илгари

юриш ва гапиришни билмасди. Бу ердаги мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида гапириб мустақил қадам қўя бошлади, — дейди Дилбара Юсупова.

Тоғ қўйнига чиқишга, оромгоҳларда дам олишга имкони бўлмаган болалар учун табиат қўйнида уюштирилган бу тадбир ёз фаслининг завқини, атрофдагиларнинг ғамхўрлигини ҳис қилиш имконини берди.

Тадбир якунида «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилиги жамғармаси томонидан совғалар улашилди.

Дилдора ИСОҚОВА

Қўғирчоқ театри ёшлар ҳузурида


Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 214-мактабда ташкил қилинган «Камалак» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида болажонларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Оромгоҳда «Калдиғоқ», «Бойчечак», «Нихол», «Ғунча», «Лочин», «Мойчечак» гуруҳлари ўртасида тури спорт мусобақалари, эстафеталар уюштириб турилади. Уйин хонаси, кутубхона ва тўғарақлар болалар ихтиёрида.

Ўқувчиларнинг маънавий оила йили»га бағишланган «Менинг оилам» мавзусида асфальтга расм чизиш тадбири ўтказилди. Ат-

роф-муҳит ва экологияни асраш мақсадида уюштирилган «Менинг озода оромгоҳим» тадбирида барча фаол иштирок этди. «Лабирис» номли кўча қўғирчоқ театрининг «Зумрад ва Қиммат», мусиқий томошалари ҳам ўқувчилар ёдида муҳрлиб қолгани шубҳасиз.

Матлуба ШУКУРОВА

Оила тарбияси ва ҳаёт сабоғини олмасдан комилликка эришиб бўлмайди. Айниқса, оилани, ўзи истикомат қилаётган маҳаллани — Ватанини муқаддас санайдиган халқимиз азалдан фарзанд тарбиясида талабчан бўлган. Хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, маънавий-ахлоқий кўникмаларини мустаҳкамлаш жараёнида таълим муассасасининг оила, маҳалла билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг миллий қадрият ва анъаналаримизга уйғун эканидан далолатдир. Бу фарзанд тарбиясида ота-оналар, маҳалла ва таълим муассасалари масъулиятини янада ошириб, «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмининг янада самарали ишлаши учун замин яратди.



ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Самарқанд шаҳридаги 47-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси бу борада кутилган натижага эришмоқда. 2008 йили капитал реконструкция қилинган мактабда кимё, биология, физика лаборатория хоналари, компьютер синфлари, тиббиёт хонаси ташкил этилган. Яратилган шароитлардан оқилона фойдаланётган муассаса худуддаги намунали таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади.

— Ўқитувчиларимиз илғор педагогик технологияларни ёрдамида кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Олимжон Фафуров. — Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда режа асосида иш юритаётганимиз самара бермоқда. Ўтган ўқув йилида Нигина Раҳматова «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловининг ёзма иш йўналишида, Бехруз Абдуҳақимов эса «Қонунни билганга — кенг дунё» шиори остида ўтказилган фотосурат ва расмлар республика кўрик-танловида ғолиб бўлди. «Бинафша» ашула ва рақс ансамбли вилоят миқёсидаги «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловида III ўринни эгаллади. 9-синф ўқувчиси Зиёда Аминонова оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида шохсупага кўтарилди.

Албатта, ушбу ютуқларда нафақат устоз ва мураббий-

лар, балки Чорбоғ ва Хўжа-ғунжойиш-II маҳалласи фаолларининг ҳам хизмати бекиёс. Кўрик-танловларда юқори натижа қайд этган ўқувчиларни фуқаролар йиғини томонидан рағбатлантириш аъёнага айланган. Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги ўқувчиларни муваффақиятлар сари руҳлантираётгани рост.

Муассасада ўқув йили давомида ўтказиб борилган кўрик-танлов, давра суҳбатлари, мулоқот ва тадбирлар ўқувчилар маънавиятини бойитиш, уларни ёт гоёлар таъсиридан асрашда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, «Президент асарлари билимдони», «ОИТС — аср вабоси», «Гиеҳвандлик — умр заволи», «Чекмасдан ёшлик завқини сур», «Шунқорлар» ҳарбий ватанпарварлик танлови, «Одам савдоси — инсон жафоси», «Диний экстремизм» ва «Оммавий маданият» — тараққиётимиз душмани мавзуларидаги тадбирлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори, капитан Шерзод Саёмов, кишлоқ врачлик пункти мудири Раёно Шеркулова, мактаб ҳамшираси Машҳура Турсунова ўқувчилар иштирокида ўтказган «Соғлом қизлар — келажак пойдевори», «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликка йўл қўймайлик», «Қонун ҳамма учун баробар» мавзуларидаги давра суҳбатларида ўқувчилар ўзларини қизиқ-

тирган саволларга жавоб олди.

Ўқувчилар уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларида тез-тез бўлиб, байрамларда уларни совғалар билан йўқлашни аъёнага айлантиришган. Ота-оналар, нурунийлар мактаб маъмурияти болаларни хайрли ишларга йўналтириб, миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаётганидан мамнун. Улар педагогик жамоа фаолиятини қўллаб-қувватлаб, маънавий-маърифий тадбирлар-

Oila — mahalla — maktab

да иштирок этишади. Ёш авлод камолоти йўлида оз бўлса-да, ҳисса қўшишга интилишади.

Ёзги таътилда ҳам ўқувчилар вақтини бекор ўтказмаслиги учун ҳамкорликда яхши ташаббусга қўл урилади. Маҳаллалардаги ҳунармандларга 60 нафар юқори синф ўқувчиси шогирдликка бириктирилди. Улар қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик, зардўзлик, косиблик, дурадгорлик, новвойлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби касб-ҳунарларни кўнгли билан ўрганмоқда. Бу, аввало, маҳалла фаолларининг ўқувчилар тақдирига бефарқ эмаслигидан, қолaversа, мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш ишлари самарали ташкил этилганидан далолатдир.

125 нафар ўқувчи спорт

секцияларида шугулланмоқда. Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Ақобир Усмонов, муайтай устаси Бобур Қурбонов ҳам шу мактабда таҳсил олган. Ўқув йили давомида 200 нафардан зиёд ўқувчи ижодий ва фан тўғаракларида билим ва маҳоратини оширди. Ёзги таътилда ҳам «Аппликация», «Тасвирий санъат», «Тикувчилик», «Ашула ва рақс», «Шахмат-шашка», «Стол тенниси», «Футбол», «Волейбол» каби тўғараклар гажум. Худуддаги 22-сонли болалар мусика ва санъат мактабидида ўқувчилар мусика сирларини эгалламоқда.

Мактабда Мадина Худойбердиева етакчилигида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар уюмасига синф фаоллари, ташкилотчи ўқувчилар жалб этилган. Уларнинг асосий вазифаси «Спорт, жисмоний тарбия ва саломатлик», «Экологик маданият ва санитария ҳолатини яхшилаш», «Мерос», «Ватанпарварлик», «Меҳр-шафқат», «Нафосат», «Меҳнатсеварлик ва касбга йўналтириш» каби йўналишларда турли тадбир, уйин, кўргазма, кўрик-танлов, саёхатлар уюштириш, ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик ўрнатилган иборат.

Ўтган ўқув йили педагогик жамоа учун омадли келди. Хусусан, биология фани ўқитувчиси Дилором Раҳимова ҳамда иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси Зилола Жумаева «Йилнинг энг яхши фан

ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Матлаб Ҳамдамова, Робия Жалилова, Фазилат Исмаилова, Амира Абдуллаева, Сами Раупов, Нилуфар Маҳмудова, Мушарраф Маллаева, Гулжаҳон Зиёева каби синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши учун тинимсиз изланишда.

Жисмоний имконияти чекланган икки нафар ўқувчига яқка тартибда таълим берилади. Ўқитувчилардан Дилбар Маърупова, Жамила Нуриддинова, рус тили фани ўқитувчиси Дилфуза Салоҳиддинова, тасвирий санъат фани ўқитувчиси Мастура Жўраева уларнинг уйига бориб, машгулотлар олиб бормоқда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, дунёқарашини кенгайтириш, ҳаётга мослаштиришга ҳисса қўшмоқда. Байрамларда фаол ўқувчилар тўпланиб, жисмоний имконияти чекланган тенгдошларини турли ҳадялар билан йўқлайдилар. Бу уй шароитида таҳсил олаётган болаларнинг ҳаётга, билим олишга иштиёқини кучайтириб, келажакда бирор касб-ҳунар эгаси бўлишга ундапти.

Алқисса, таълим-тарбия ва ташкилий ишлар бора-бора тўпланган илғор тажрибалар билан танишар эканмиз, муассасада вужудга келган соғлом ижодий муҳит кўплаб ютуқлар асоси эканига амин бўлдик.

ҲАКИМ ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури низоҳланган бўлса-да, янги мактаблар барпо этиш, мавжудларини жорий ва капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Жумладан, бу йил Наманган вилоятидаги 7та умумтаълим мактаби ва битта махсус мактаб-интернатни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 9 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бунёдкорлик ишлари низоҳсиз етказилса, 10365 нафар ўқувчи янги ўқув йилини замонавий билим масканларида бошлайди.

Айни кунда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суриятларда олиб борилмоқда. Ҳозиргача маблағнинг 80 фоиздан ортиғи ўзлашти-

рилди. Наманган шаҳридаги 43-умумтаълим мактаби ва Косонсой туманидаги 44-махсус мактаб-интернатда капитал таъмирлаш иш-

лари тугатилиб, фойдаланишга топширилди.

— Барча объектларда сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш юмушлари олиб борилаёпти, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Дилшод Ниязов. — Мингбулоқдаги 13-, Чустдаги 54-, Тўрақўрғондаги 16- ва Поп туманидаги 23-умумтаълим мактаби капитал таъмирланган бўлса, 3та ўқув муассасасида янги спорт заллари барпо этилмоқда.

Taraddud

Эътиборга молик яна бир рақам: шу йилнинг ўзида вилоятда 153та умумтаълим мактаби ва мактабга таълим муассасасининг капитал ва жорий таъмири ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёрлаш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 2 миллиард 855,3 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу объектларда ҳам бунёдкорлик ишлари тез ва сифатли бажарилмоқда.

ҲАМИШЕР АҚБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Наманган вилояти

Matematika va xorijiy tillar fanlari chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—9-sinf)

O'quv fanlari	Sinfilar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixtiyoridagi soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili/adabiyot	8	7*	9*	9*	8*	6*	4,5*	4,5*	5	61	2074
2 O'zbek tili/rus tili		1,5*	1,5*	1,5*	1,5*	2	2	2	2	14	476
3 Tarix					2	2	3	2,5*	3	12,5	425
4 Davlat va huquq asoslari									1	2	68
5 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
6 Matematika	5									5	170
7 Fizika						2	2	2	1,5*	7,5	255
8 Informatika								1	2	3	102
9 Biologiya					1	2	1,5*	1,5*	2	8	272
10 Kimyo							2	2	2	6	204
11 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	1,5*	1,5*	1,5*	1,5*	11	374
12 Odobnoma	1	1	1	1						4	136
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Milliy istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
13 Musiqa madaniyati	1	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*			4	136
14 Tasviriy san'at	1	0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1			5,5	187
15 Chizmachilik								0,5*	0,5*	1	34
16 Mehnat ta'limi	1	0,5*	0,5*	0,5*	1*	1*	1*	0,5*	0,5*	6,5	221
17 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	1*	4	136
Ixtisoslik fanlari											
1 Matematika		6,5	6,5	6,5	6,5	6,5				32,5	
Geometriya							2,5	2,5	2,5	7,5	
Algebra							4	4	4	12	
2 Xorijiy til		1,5	1,5	1,5	4,5	4,5	4,5	4,5	4,5	27	
Jami:		8	8	8	11	11	11	11	11	79	2686
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta ta'lim maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidallari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yori hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Matematika va xorijiy tillarning nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinfilar uchun ona tili fanidan 1 soat, rus tili fanidan 0,5 soat olinib, matematika faniga, musiqa madaniyati fanidan 0,5 soat, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

5-sinfilar uchun ona tili fanidan 1 soat, rus tili fanidan 0,5 soat olinib, matematika faniga, musiqa madaniyati fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

6-sinfilar uchun ona tili fanidan 1 soat, geografiya fanidan 0,5 soat olinib, matematika faniga, musiqa madaniyati fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

7-sinfilar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat olinib, matematika faniga, musiqa madaniyati fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

8-sinfilar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, tarix fanidan 0,5 soat, biologiya fanidan 0,5 soat olinib, matematika faniga, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

9-sinfilar uchun fizika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat olinib, matematika faniga, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi.

Mazkur sinflardagi davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar matematika va xorijiy tillarga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Xorijiy tillar ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlariga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

Tarix va xorijiy tillar fanlari chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—9-sinf)

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta ta'lim maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidallari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yori hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Xorijiy tillar va tarix fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinfilar uchun ona tili fanidan 0,5 soat olinib, tarix faniga, matematika fanidan 0,5 soat, tabiiyot fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

5-, 6-sinfilar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, musiqa madaniyati fanidan 0,5 soat olinib, tarix faniga, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

7-sinfilar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat olinib, tarix faniga, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

8-sinfilar uchun matematika fanidan 0,5 soat, biologiya fanidan 0,5 soat olinib, tarix faniga, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi;

9-sinfilar uchun fizika fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat olinib, tarix faniga, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olinib, xorijiy tillar faniga qo'shib berildi.

Mazkur sinflardagi davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar xorijiy tillar va tarix fanlariga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Xorijiy tillar ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlariga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

ларнинг маҳоратини ошириб, таътилни мазмунли ўтказишга хизмат қилаётти. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Энг билимдон ўқитувчи», кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритган устоз-мураббийларнинг бой таърибаси эътирофга лойиқ. Уларнинг меҳнати самараси ўқувчилар турли кўрик-танлов, билимлар беллашув ва фан олимпиадасида эришаётган ютуқларда намоён бўлмоқда.

Меҳр берсанг, тошдан гул унар

Бир неча йил олдин тумандаги 37-мактаб ўқувчилари таълим муассасасининг кўримсиз қиёфасидан нолишар эди. Нодира Бўстонова мактаб директори этиб тайинланганга, қисқа вақт ичида кенг камровли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мактаб

ҳовлисидаги шағал ва тошлар ҳашар йўли билан чиқариб ташланди. Меваали ва манзарали дарахтлар экилиб, отаналар ва ҳомийлар ёрдамида ҳудуд панжара билан ўралди.

Бугун дарахтлар ҳосилга кирган. Соясидан ўқувчи ўқитувчилар баҳраманд. Мактаб Япония гранти асосида замонавий ўқув жиҳозлари ва мебеллар билан таъминланди. Кўрсатилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароит натижасида жамоада изланувчан, яратувчан ва ижодкор ўқитувчилар сафи кенгайди. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлидаги сайё-ҳаракатлар ҳам кучайтирилмоқда. «Энг яхши кўргазма» кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритган устоз-мураббийларнинг бой таърибаси эътирофга лойиқ. Уларнинг меҳнати самараси ўқувчилар турли кўрик-танлов, билимлар беллашув ва фан олимпиадасида эришаётган ютуқларда намоён бўлмоқда.

тарбия ривожига муносиб ҳисса қўшган ўқитувчилар мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантирилди. Танлов фанларни янада чуқурроқ ўргатиш усулларини яратиш ва рейтинг натижаларини чиқариш имконини берди. Она тили, география, биология фанларидан ўтилаётган дарслар самарадорлиги юқорилиги аниқланди. Мактаб мониторинг гуруҳи фан ўқитувчиларининг самарадорлик кўрсаткичларини ҳам мунтазам белгилаб бормоқда. Бу эса ўқитувчиларни ўз устида ишлашга, изланишга ундаётти. Мактаб жамоаси барча кўрсаткичлар бўйича туманда етакчи ўринда экани ҳам беҳиз эмас.

— Ҳар учала мактаб жамоаларининг иш таърибаси туман бўйича оммалаштирилмоқда, — дейди халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Умар Тоғаев. — Худудий семинарларда ёзги таътилни намунали ташкил этиш, тўғараклар фаолиятини жонлантириш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш масалалари муҳокама қилинаётти. Савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар ўтказаямиз. Бу сайё-ҳаракатларимиз янги ўқув йилида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Таътил давом этмоқда. Таълимда эса танаффус бўлмади. Изланувчан ва ижодкор устоз-мураббийлар «бешички чорак» дея таърифланаётган ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишга барча куч ва имкониятларини сафарбар этаётти.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ТОЖИК тилида олиб
бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2012-2013 ўқув йилида фойдаланишга тавсия
этилган дарслик ва ўқув кўлланмалар
РЎЙХАТИ**

Т.р.	Дарслик ва ўқув кўлланма номи	Муаллифи	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати	8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
1-синф					9	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2009	ижара
1	Алифбе (Алифбо)	М.Лутфуллоев ва б.	2012	беғул	10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
2	Ёзув дафтари	З.Тоҳирийев ва б.	2012	беғул	11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
3	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2012	беғул	12	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
4	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	З.Тоҳирийев ва б.	2012	беғул	13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2012	беғул	14	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2012	беғул	15	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2012	беғул	16	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева	2012	беғул	17	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонқўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
9	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2012	беғул	7-синф				
10	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	беғул	1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳсамжонов ва б.	2012	беғул	2	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	А.Воҳидов ва б.	2009	ижара
12	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди	3	Адабиёт (Адабиёт)	З.Тоҳирийев ва б.	2009	ижара
2-синф					4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2009	ижара
2	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2012	ижара	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2009	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж.Эшонқулов	2012	ижара	7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2009	ижара
5	Математика	Н.Абдураҳмонова ва б.	2012	ижара	9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2012	ижара	10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	ижара	11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2009	ижара
8	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди	12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
10	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	14	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳсамжонов ва б.	2010	ижара	15	География	П.Ғуломов ва б.	2009	ижара
12	Меҳнат таълими *	Ҳ.Санақулов ва б.	2012	очиқ савдо	16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
3-синф					17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
2	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2012	ижара	19	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий	2007	кутубхона фонди
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю.Азимов	2012	ижара	20	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2007	кутубхона фонди
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	21	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонқўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
5	Математика	С.Бурҳонов ва б.	2012	ижара	8-синф				
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2012	ижара	1	Ўзбек тили	Ҳ.Мухиддинова ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Ҳолиқова ва б.	2012	ижара	2	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	Т.Чориев ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳсамжонов ва б.	2010	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007, 2008	кутубхона фонди	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2010	ижара
12	Меҳнат таълими *	Ҳ.Санақулов ва б.	2012	очиқ савдо	7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушқурова ва б.	2010	ижара
4-синф					8	Ўзбекистон тарихи	Ғ.Усмонов ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Забони модари)	А.Зоҳидов	2011	ижара	10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ҳ.Сабоҳий ва б.	2011	ижара	11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	М.Алиев ва б.	2011	ижара	12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2011	ижара	13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2011	ижара	14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
7	Одобнома	М.Ҳолиқова ва б.	2011	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2011	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳсамжонов ва б.	2011	ижара	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди	18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
5-синф					19	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонқўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	20	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	Т.Чориев	2011	ижара	21	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	Ю.Азимов ва б.	2011	ижара	9-синф				
4	«Ғулистони адаб» (мажмуа), 5-6-синф	А.Қамарзода	2007	кутубхона фонди	1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
5	Русский язык	О.Қодирова	2011	ижара	2	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	М.Қабиров ва б.	2010	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара	3	Адабиёт (Адабиёт)	Ж.Ҳамроев	2010	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара	4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
8	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
9	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
10	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара	9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
13	Табиий география бошланғич курси	П.Ғуломов ва б.	2011	ижара	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
14	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара	11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
15	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
16	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонқўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
17	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди	14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
6-синф					15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	М.Қабиров ва б.	2009	ижара	17	Биология Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	С.Саъдиев ва б.	2009	ижара	18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара	19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2009	ижара	21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонқўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди
7	Француз тили	З.Абдушқурова ва б.	2009	ижара					

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Бироқ космосни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда қўлланиладиган космик техниканинг сайёрамаши биологик сферасига салбий таъсирларидан ҳам қўз юмиб бўлмайдди. Мазкур фаолият оқибатида келаятган фойда ва зарардан қай бири оғирроқ эканини аниқлаш мақсадида 1976 йилдаёқ КОСПАР (Илмий иттифоқлар халқаро Кенгаши қоидадаги космик тадқиқотлар қўмитаси) қарори билан махсус комиссия тuzилди. 1982 йили комиссия томонидан бир нечта йўналишлар бўйича инсон фаолиятининг Ер атрофи фазосига таъсири ҳақида дастлабки маълумотлар эълон қилинди. Унда келтирилишича, космик аппаратларни учуришда сарфланадиган ёқилгининг (газ, симон, суюқ ва қаттиқ заррачаларининг) атмосферага чиқарилиши оқибатида атмосфера ифлосланади ва бу космос ўзлаштирилиши жараёнидаги салбий жиҳатлардан асосийси ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, инсоннинг космосни ўрганиш жараёнида атмосферанинг ифлосланиш даражаси унинг ҳужалик фаолияти на-

мосферага чиқариладиган чиқиндилари 6—9 миллион тонна ташкил этади. Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ инсониятнинг космосдаги фаолияти сезиларли даражада кенгайиши оқибатида сунъий йўлдошларнинг турли «самовий чиқиндилар» билан тўқнашуви эҳтимоли орта бошлади. Хусусан, 1976 йилга қадар Ер атрофи орбиталарида 3866та объект бўлиб, уларнинг 25 фоизини сунъий йўлдошлар, қолган 75 фоизини эса турли космик чиқиндилар (ракеталарнинг қисмлари, химоя қобиллари ва экранлари) ташкил этди. Диаметри 10 метрга тенг жисملарнинг космосда тўқнашиш эҳтимоли ҳар ўн минг ҳолатдан биттасида рўй бериши мумкин.

Кейинги йилларда геостационар орбитада ҳам тўқнашувлар рўй бериши хавфи юзага келмоқда. Айни пайтда мазкур орбитада ҳаракатланаётган йўлдошлар сони 200га яқинлашди. Бунинг устига, бундай йўлдошлар орбита-нинг асосан катта қисмида -115

ражада ва хавфни кескин равишда камайтиради. Ер сиртидан 15—20 километр баландликда эса ҳавонинг заҳарли газлар билан аралашмиш жараёни нисбатан секин кечиб, атмосферанинг сокинлиги туфайли бу қатламларда заҳарли газлар анчайин узоқ вақтгача сақланиб қолади. «ФизОрг» манбасида баён этилишича, кўпчилик олимлар



КОСМОНАВТИКА ВА ЭКОЛОГИЯ

одамзод ҳар иккисини ҳам мувозанатда ушлаши лозим

тижасида кузатиладиганидан ҳам камроқ миқдорни ташкил этади. Космоснинг ўзлаштирилишида ҳам ердаги табiiy бойликлардан фойдаланган кabi ме'ёрга амал қилиш керак. Аксинча, бу борада ҳам ўзбошимчалик билан иш тутилса, унинг имкониятлари суиистеъмол қилинса бир қанча хавфлар келиб чиқиши аниқ. Чунки космоснинг чексизлиги ҳар қадамда эътироф этилса-да, аслида космоснинг инсон қадами етган қисмигина Ерга яқин бўлиб, бу қисм эса чеклангандир. Оқибатда, ҳозирнинг ўзидаёқ учуриладиган йўлдошлар ва орбитал станцияларнинг қўлиги туфайли Ер атрофи ҳудудиди уларга торлиқ қилаётган кун сайин ойдинлашмоқда. Массаси бир неча ўн тонна келадиган юкни Ер атрофи орбитасига олиб чиқиш учун замонавий ракеталар унинг массасидан 20—30 баробар кўпроқ ёнилғи сарфлайди. Хусусан, океанортидан космосга чиқарилган «Сатурн-5» қувватли ракетасининг стартолди оғирлиги 2900 тонна бўлиб, унинг орбитага олиб чиқа оладиган фойдали юк атиги 100 тонна ташкил этган. Бинобарин, геостационар (текишлиги Ер экватори текислигида ётиб, 36,5 минг километр баландликда) орбитада массаси тахминан 100 минг тоннали улкан бир станция — «космик мустамлака»ни ҳосил қилиш учун бундай ракеталардан мингга яқинини учуриш кераклиги ўз-ўзидан аён бўлади. Бунда ракета ёнилғисининг ат-

ва 20 даража ғарбий кенгликлар ҳамда 70 ва 175 даража шарқий кенгликлар устида тўплангани уларнинг тўқнашиш эҳтимолини янада ошириши мумкин. 1982 йилнинг август ойида БМТ томонидан ўтказилган космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва тадқиқ қилиш бўйича II Бутунжаҳон конференциясида геостационар йўлдошларнинг тўқнашиш эҳтимоли, радио тўлқинларга ҳалақит бериши каби муаммолар муҳокама қилинди. Конференцияда гарчи айни пайтда бундай хавфнинг рўй бериш эҳтимоли кам бўлса-да, келажда йирик станцияларнинг орбитага чиқарилиши билан уларнинг тўқнашиш хавфи кескин ортиши мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Космик кемаларнинг орбитага чиқарилиши жараёнида унинг маҳаллий иқлимга кўрсатадиган салбий таъсирига келсак, катта тортишиш қувватига эга бўлган замонавий ракета парвози Ер сиртига яқин бир ярим километр баландликни заҳарли чиқиндилар билан ифлослантириши оқибатида ҳудуддаги 100—200 километрга (томонлари 10—14 квадрат километр) майдонда об-ҳаво ўзгариши, кислотали ёмғирлар ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ ёмғирлар ҳолларида бу жараёнлар қисқа муддатли бўлиб, Ер атмосферасидаги турбулент (гирдобли) оқим мазкур вақт оралиғида заҳарли газлар концентрациясини сезиларли да-

атмосфера озон қатламининг емирилишига ҳам самовий парвозлар пайтида уларнинг двигателларида чиқадиган заҳарли газлар «айбдор» деб ҳисоблайди. Аслида эса ракета ёнилғисининг чиқиндиси ҳисобланган азот оксиди озонни емирувчи асосий хлор-фтор углеводородли бирикмаларга (фреонларга) нисбатан кам миқдорда бўлади. Яна шунга айтиш жоизки, озонни емирувчи азот оксидининг ердаги асосий манбаи азотли ўғитларни ишлаб чиқарувчи қорхоналар ҳисобланади. 1950—1975 йиллари дунё миқёсида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш 30 мартагача ортиб, йилига 40 миллион тонна ташкил этди. 2000 йилга келиб эса дунё миқёсида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш 2 миллиард тоннага яқин миқдорни ташкил этди. Бу айни пайтда стратосферага 500 минг тоннадан 1 миллион тоннагача азотли бирикмалар, биринчи навбатда, азот оксиди чиқаришмоқда, дегани. Атмосферанинг азот оксиди билан бу хилда «бойиб» туриши 2005 йилга келиб атмосфера озон қатлами умумий миқдорининг 3 фоизгача камайишига олиб келди. Ўз навбатида, бунинг оқибатида озоннинг баландлик бўйлаб тақсимланиши ҳам бу хилдаги антропоген манбалар таъсирида кескин ўзгариши мумкин. Хусусан, 40 километр баландликда озон концентрацияси 13,8 фоизгача, тропосферада эса 22 фоизгача камайиши мумкинлиги тахмин

Fan va hayot

қилинмоқда. Сунъий йўлдошдан ажралган ракеталарнинг охириги қисми орбитада ичида оз миқдордаги ишлатилмаган ёнилғиси билан қолади. Эътиборлиси, улар ёнилғи баки билан бирга орбитада ўзига ҳос «космик портловчи модда» ролини ўтайди.

Гап шундаки, орбитада бир неча ой, баъзан эса бир неча йил қолдиқ ёқилғиси билан қолган ракетанинг охириги қисми охириги оқибатда емирилиб, портлайди ва юзлаб майда бўлакларга парчаланиб, атрофга сочилиб кетади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидаги ҳисоб-ки-тобларга кўра, Ер атрофи ҳудудида ифлосланиш даражаси 10 йилдан сўнг 500 километр баландликда ҳар 100 квадрат метр майдонга ўлчами 1 сантиметр бўлган битта темир парчаси тўғри келиши тахмин қилинган. Айни кундаги кузатувлар космосда йиғилган «чиқинди»лар тахмин қилинган кўрсаткичдан 2 марта камлиги, бироқ 800—1000 километр баландликда, аксинча, ундан-да ортиқлигини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, салбий таъсирлар мавжудлиги бот-бот таъкидланаётганига қарамай, вақт ўтгани сайин космосни тобора батафсилроқ ўрганиш, XXI асрнинг ўзидаёқ Ойда илмий станцияларни барпо этиш ва уларни ишга тушириш, кейинроқ эса Марсга экспедиция уюштириш реал режалар ва лойиҳаларга айланмоқда. XXI асрда инсониятнинг ўз эътиёжларини қондириш мақсадида Ер атрофи ҳудудини ўзлаштириши ва унда бир неча ўн минг кишилик, кейинроқ эса миллионлаб одамлар умргузаронлик қилиши мумкин бўлган сунъий қароргоҳлар — «Космик мустамлакалар»ни ишга тушириш орзуси ва уни амалга ошириш мақсадини умуман олганда ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкиндир. Лекин айни кунда одамзоднинг бу мақсади — Ердан ташқарига чиқиб яшаши ёки фаолият кўрсатишга интилиши сайёрамаши жиддий зарар етказиш, экологик муаммоларни юзага келтириш ёки авж олдириш ҳисобига амалга оширилмаслиги зарур.

Ер неча минг, миллиардлаб йиллардан бери қанчадан-қанча жонотларни ўз бағрида сақлаб келаятган макон. Унинг табияти қанчалик соф сақланса, асраб-авайланса бундан биринчи галда ана шу жонотларнинг ўзи манфаатдор. Бунга ўз вақтида аниқлаш, она сайёраимиз, ундаги табiiy бойликларнинг қиммати ҳамда инсоният ҳаёти, нақадар муҳимлигини ўсиб келаятган ёш авлодга тўғри тушунириш лозим. Ана шундангина амалга ошириладиган ишлар ижобий томонга йўналтирилиши ва натижалар қўтилганидек бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

М. МАМАДАЗИМОВ,
профессор

реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар

ҚАЙТА ТАНЛОВДА ИШТИРОК УЧУН ТАКЛИФНОМА

Қайта танлов номи: Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиши.

Бюроетмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур қайта танловда қатнашишга ҳақли бўлган қорхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

Молиялаштириш: Давлат бюджетиди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қайта танлов «Бир босқичли - бир конверт» рақобат таклифларини танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Қайта танловда давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўйиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган, суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турмаган, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган қорхоналар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Махсус мактаб, мактаб-интернатлар учун чоп этиладиган дарсликлар рўйхати

Т/р	Дарсликлар номи	Муаллифлар номи	Синфи	Таълим тили	Йўналиши	Адади	Энг юқори нарх
1.	Нутқ ўстириш	С.Саидазизова	1-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 116	13 248
2.	Ёзув дафтари	М. Ҳўжаева ва б.	1-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 220	3 603
3.	Математика иш дафтари	Ф.Музаффарова	1-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 204	6 352
4.	Она тили	Р.Шомаҳмудова	2-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 136	12 894
5.	Ўқуш китоби	К. Абдуллаева ва б.	2-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 138	11 484
6.	Природоведение	Ф.Назарова ва б.	7-синф	рус	ёрдамчи мактаб учун	423	24 526
7.	Математика	У.Файзиёва	1-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун	486	30 861
8.	Математика иш дафтари	Ҳ.Калбаева	1-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун	486	25 872
9.	Математика	Н.Дадаходжаева ва б.	2-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун	483	49 126

Танлов ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Танловда қатнашиш истагини билдирган қорхона ва ташкилотлар 2012 йил 30 июлдан бошлаб ҳар куни (шанба ва яқшанба кунлардан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар 100078, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319 хона. Телефон (+998 71) 239-14-01, 239-40-81 Факс (+998 71) 239-40-83.

Барча таклифлар 2012 йил 7 август куни соат 14.00 га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари Халқ таълими вазирлиги биноси, 2012 йил 7 август куни соат 15.00 да барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

Гурунг

Ёзни дам олиш фасли деб билувчилар кўпчиликини ташкил этса-да, ҳаёт ҳар доимгидек давом этаверади. Турли соҳа ходимлари барча фаслардагидек эрталаб ишга ошиқади. Тўғри, ёзнинг иссиқ кунларини, лоақал шанба, якшанбани хушманзара масканлар бағрида ўтказиш фойдадан холи эмас. Лекин биз-

нинг ўзбек хотин-қизлари бу фурсатларини ҳам ошхонада қишнинг ғамини ейиш билан ўтказишдан сира оғринишмайди. Навбатдаги «Гурунг» саҳифамизни кўнглиларга ёз тафтини олиб кириш, газетхонларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига озгина бўлса-да, кўмаклашиш мақсадида тайёрладик.

Аччиқ чой хуш ёқади, лекин...

Баъзи оилаларда ёзнинг иссиқ кунлари аччиқ кўк, ҳатто қора чойларни дамлаб қўйиб, яхна ичимлик сифатида фойдаланишади. Лекин мутахассисларнинг фикрича, чойда кофеин, танин, эфир мойлари, пурин каби моддалар бўлгани боис ҳомиладор ва эмизикли аёлларга умуман тавсия қилинмас экан. Чунки юқорида санаб ўтилган моддалар она организми орқали ҳомилага ўтиб, салбий таъсир этиши, шунингдек, она сутининг қуюқлаштириб, камайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Уч ёшгача бўлган болалар организмга ҳам аччиқ кўк чой таркибидаги айрим моддалар ва бирикмалар хуш ёқавермайди.

Қабзият, ошқозон шираси кислотаси баланд, гастрит, ўткир ошқозон-ичак яраси, юрак-қон томирида

муаммолари бор, гипертония, уйқусизлик дардига чалинган, ўпка сили билан оғриган беморлар ҳам дастурхонимизда чойнакда товланиб турувчи ичимликдан ўзини тийгани маъқул.

Айрим ўзбек хонадонларида уйқудан олдин бир чойнакка аччиқ чой дамлаш одат тусига айланиб қолган. Аммо мутахассислар бунинг мутлақо нотўғри, унинг ўрнига бир пиёла қайноқ сув, сут ёки қатиқ ичиш саломатлик учун фойдали эканини таъкидлашади.

Иссиқ чой ичгандан сўнг дарҳол совуқ нарсаларни истеъмол қилиш ёки аксинча йўл тутиш тишлар, оғиз бўшлиғи, ошқозон-ичак йўллари жароҳатланишига сабаб бўлиши мумкин.

Хуллас, кўк чойнинг фойдали хусусиятлари ҳақида жуда кўп чиқишлар қилин-



ган. Танганинг иккинчи томони ҳам бор деганларидек, биз бу хушхўр неъматнинг айрим ҳолатларда намоён бўладиган салбий хусусиятлари хусусида тўхталдик. Сўзимиз сўнггида компютерда ишлаётганингиз ва телевизор томоша қилаётганингизда таралаётган радиоактив нурларнинг саломатликка акс таъсирини қайтаришда кўк чой ниҳоятда фойдали эканини қайд этиб ўтмоқчимиз. Чой ичинг, фақат вақти ва меъёри билан!

Ота-оналар мажлисида:

— Мени ўғлинингнинг хулқи ташвишга соляпти, — дебди синф раҳбари орқа парталардан бирида ўтирган отага юзланиб. — Нуқул қизларнинг ортидан югургани-югурган.

— Яшасин, ота ўғил! Ахир, бу ёшда ҳамма йигитлар ҳам шундай-да, — дебди ота бамайлихотир — Кўнглида ишқ уйғонаётгандир...

— Мисолимни ечишиб бер, иншомни ёзиб бер, дея уйғонармикин ишқ?! — дебди муаллима ҳам бўш келмай.

Келинг, бир кулишайлик

— Доктор, мен операциядан жуда қўрқаман, — дея шифокорга жовдираган қўйи мурожаат қилибди бемор.

— Қўрқманг, мен ўттизинчи марта операция хонасига йўл оламан. Ажаб эмас, бу сафар ишим муваффақиятли чиқса, — дермиш шифокор халатининг этагига кўзойнагини артганча.

Икки ўртоқ суҳбатидан:

— Ва ниҳоят, бугун соат овозидан уйғондим, — дея мақтанибди бири иккинчисига.

— Ростданим? — ҳайратланибди дўсти.

— Ҳа, жиринглайвериб жонига теккан, шеклили, акам соат билан бошимга туширди. Ҳамон оғриғи босилмаяпти, — дермиш мақтанчоқ чаккасини ушлаганча.

Абдулла КАХХОР

Ҳикматлар

Имон деган нарса дилда бўлади.

Уят фақат инсонга хос туйғудир.

Талант учун энг хавфли шираси — «офарин»чилик!

Одамнинг ёмони бўлмайди. Биров — тош, биров — гул. Иккови ҳам ўз жойида яхши.

Инсон ҳамма ерда улуг... Унинг улуглиги қўлидан келган ишларда, яратувчилигида кўринади.

Беҳтиёр қилинган хатони кечирса бўлади. Аммо бида туриб, ростини қўйиб, ёлғон гапирган одамнинг гуноҳидан ўтиб бўлмайди.

Яқинда телевизорда узумнинг данагидан мой олинаётганини кўрсатишди. Бу иш бошида турган тadbиркор шу ёғдан ош дамлаганини ва бу хушхўр таом барчага манзур бўлганини гапириб ўтди. Хуллас, мой овқатларимизга маза киритувчи асосий неъматлардан саналади. Лекин унинг бошқа хусусиятлари ҳам бор экан.

Зайтун — тинчлик рамзи

Мой дарахти ҳақида кўп эшитгансиз. Унинг номи зайтун бўлиб, Испания, Италия, Туркия каби мамлакатларда, ҳатто бизнинг серкўёш заминимизда ҳам ўсади.

Тарихдан маълумки, зайтун дарахтидан мой олиш тахминан 2500 йил муқаддам Мисрда кашф этилган. Бироқ технологияси мутлақо сир тутилган. Кимки бу сирни ошкор қилса, ўлим жазосига маҳкум этилган ва сирдан воқиф бўлган



мамлакат устига қўшин тортилган.

Ўша даврда бу дарахтга шунчалар сажда қилинганки, қилич кўтариб келган ёвга қарши ерли аҳоли қилич эмас, зайтун дарахти шохларини кўтариб чиқар: «Бизнинг бошимизни эмас, инсонни тўйдирадиган мана бу муқаддас дарахтни кес! Шунда биз ҳам қуриймиз!» дея хитоб қилишаркан. Шу-шу, зайтун тинчлик рамзига айланиб кетган.

ча йўловчилар эшитарди.

— Сен телефонни олиб киролсанг бўлди, улар «учта фанни ҳам айтаман, саволни тўғри ўқиб берса бўлгани», дейишди. Нарҳини ўзинг келишсан кейин, — ўртадаги бу «хожатбарор»нинг ўзи ҳам нари борса 20-21 ёшли йигит.

Истамасам-да, қулоққа чалинаётган бу суҳбатни эшитарканман, беҳтиёр абутирентлик йилларим кўз олдимда гавдаланди. Кечқурун

жуда кеч ётиб, тонг сахар туриб олиб, тоза ҳавода китоб варақлардик. Пойтахтга келгач, талабалар шаҳарчасининг стадионига кўрпача солиб олиб, ўртоқларимиз билан савол-жавоб қилардик. Уйқумиз қочсин, деб кўзимизни юваверганданми, кўзларим ачишиб кетарди. Уйқусиз тунлар ва олган билимларимиз натижаси — талабалик насиб этган кун биз учун ҳақиқий байрам бўлган!

Қизим, сенга айтаман...

Қишлоғимизда фариштасифат бир момо истикомат қилади. Ким ўғил уйлантирса, қиз чиқарса, албатта, у кишининг маслаҳатини олади. Аксарият аёллар бўлажак келинчақ қизини унинг хонадонига бошлаб бориб, фарзандини дуо қилишни сўрашади, насиҳатларига ошно этишади. «Рўзгорим тинч, оилам мустаҳкам бўлсин десанг, тилинг билан қўлингни ширин қил», — дейди момо ўтган-кетганлардан сўз очар экан. — Шунга амал қилсанг, бахт остонангдан ҳеч қаерга кетмайди». Қуйидагилар сизга бу борада, яъни ошхона юмушларида асқотади, деган умиддамыз.

Ҳамир қормоқчимисиз, унни сувга эмас, аксинча, сувни унга қўшинг.

Ҳамирни шўр қилиб қўйманг. Ёйишингиз қийин бўлади.

Ош содасини ҳамирга солишдан олдин озгина сув ёки бир-икки томчи уксус билан эритиб олиш даркор.

Ҳамир ёки тухум юки бор идишни дастлаб совуқ, кейин иссиқ сувда ювиш керак.

Газ духовкасини ишлатишдан олдин 10, электр плитани эса 25 дақиқа қиздириш мақсадга мувофиқ.

Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

ЎЗ БИЛИМИНГГА ИШОН!

Олий ўқув юртларига кириш учун бўлиб ўтадиган тест синовларига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу кунларда талаба бўлиш орзусида юрган барча ёшлар тайёр-гарликни янада кучайтириб ҳаяжон билан кунни-кунга уламоқдалар. Йиллар давомида устозу мураббийлар берган сабоғи, ўз интилиш ва қизиқишлари натижасида тўпланган билим ва тажрибаларни қайта элақдан ўтказиш вақти келди. Кўпчилик абутирентлар ўз билимидан қониқиш ҳосил қилгани ҳолда қайта тақорлаш ишларини яқунлаётган

бўлса, яна айрим тоифа «абитуриентлар» «чўқаётган одам чўпага ёпишар» деганларидек, оёғи қуйган товукдай типирчилаб қолишган. «Имтиҳон кунни телефонлар ўчирилармиш», «фалон компанияда MMS ишламасмиш» каби ваҳимаю «миш-миш»лар сизнинг ҳам қулоғингизга чалинаётгани аниқ.

Ишдан қайтаётиб, автобусда орқа ўриндикда ўтирган, телефонда гаплашаётган боланинг овозини бар-

Ҳозир шпаргалка, телефонда ёрдам берувчилар ўз «хизматини» тақдим этмоқда. Шу кунни улардан ёрдам олиш учун зарур пайт пойлашнинг ўзи ҳам вақтингизни олади, ҳам ортиқча асабийлашишга олиб келади. Энг ачинарлиси уларнинг пуч ваъдалари тақдирингизга салбий таъсир ўтказиши. Шундай экан, катта синов олдида турган ёшларга қарата, четдан келадиған ёрдамга эмас, фақатгина ўз билимингга ишон, дегинг келади.

Назokat ХОЛМЕТОВА

Кеча Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида миллионлаб спорт ихлосмандлари тўрт йил давомида интиқиб кутган XXX ёзи Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этувчи мамлакатлардан келган жамоа вакиллари спортнинг 31 тури бўйича мусобақаларда иштирок этишни бошлашди. Улар орасида Ўзбекистон шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган спортчиларимиз ҳам бор.

ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Лондондаги Олимпия шаҳарчасида она юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Ўйинларда атлетларимиз спортнинг 16 тури бўйича голиблик учун курашларга киришди. Бу сафар ҳам олимпиада мусобақаларини биринчи бўлиб боксчиларимиз бошлаб беришди. Дунёнинг энг kuchli бокс терма жамоаларидан бирини ташкил этган

спортчиларимиз — Элшод Расуллов, Аббос Атоев, Орзубек Шойимов, Жасур Латипов, Фазлiddин Гойибнazarов ва ўқтам Раҳмонов ringga faqatgina g'alaba uchun chiqishiga ishonamiz.

Олимпиада ўйинлари эркаклар ва аёллар ўртасидаги футбол мусобақалари билан бошланди.

ФИФА тоифасидаги ҳакам хамюртимиз Равшан Эрматов Буюк Британия ҳамда Сенегал олимпия терма жамоалари ўртасидаги ўйинни бошкарди. "Манчестер Юнайтед" клуби стадиони — "Олд Траффорд" да кечган баҳсда томонлар 1:1 ҳисобидаги дурангга имзо чекиди.

Зоҳиджон ХОЛОВ

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Сирдарё вилоятининг Янгиер ва Гулистон шаҳарларида Халқ таълими тизимидаги футбол бўйича Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида XVI аънавий мусобақалар бўлиб ўтмоқда.



В.ГРАНКИН олган сурат.

— Айтиш жоизки, 14-15 ёшли футболчилардан иборат жамоалар ўртасидаги ўзига хос республика турнири қизғин паллага кирди, — дейди Янгиер жаоаси мураббийи Бегзод Муҳиддинов. — Шогирдларимнинг кучли рақибларига

қарши ишончли тўп сураётгани мени беҳад қувонтирапти. Хусусан, бугунга қадар Андижон шаҳри жамоаси билан 3:3 ҳисобида дуранг қайд этган бўлсак, жиззахликларни 4:3, шаҳрихонликларни 7:0, самарқандликларни 6:1 ҳисобида

мағлубиятга учратдик. Дастлабки учрашувда эса шофирконликларни 7:0 ҳисобида енгандик. Шу боис ҳозир шогирдларим рақиблар дарвозасига энг кўп гол урган (27 та гол) жамоа бўлиб турибди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: Андижон — Самарқанд 7:2, Урганч — Янгийўл 0:2, Наманган — Навоий 2:2, Денов — Шаҳрихон 0:3, Денов — Навоий 0:2, Шофиркон — Андижон 0:5, Наманган — Шаҳрихон 3:0, Жиззах — Самарқанд 5:0, Денов — Урганч 2:4, Янгийўл — Шаҳрихон 5:3, Тошкент — Самарқанд 3:1, Жиззах — Шофиркон 3:0, Андижон — Тошкент 0:1, Урганч — Янгийўл 0:2.

Мусобақа низомига кўра, олтитадан жамоага тақсимланган икки гуруҳдан энг яхши натижага эга тўртта жамоа плей-офф баҳсларига йўлланма олади ҳамда ярим финал учрашувларида голиблик учун курашга киришади.

Барно НУРИДДИНОВА

СПОРТ ҲАЛОПЛИКНИ ТЕРАНРОҚ АНГЛАТДИ

Мамлакат қудратини белгилайдиган асосий омиллардан бири — шу юртда униб-ўсиб келаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлод вакиллари. Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топишига катта эътибор қаратилмоқда.

Qishloqdan chiqqan chempion

Айниқса, болалар спортини оммалаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар тахсигага лойик. Юртимизнинг шаҳару қишлоқларида болалар спорт мажмуаларининг қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиши ва соғлом турмуш тарзининг кенг тарғиб қилиниши натижаси ўлароқ бугун юртимизда тенгдошларига намуна бўладиган ёшлар етишиб чиқмоқда. Яратилган мана шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган қишлоқ ёшларидан бири Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманидаги 8-умумтаълим мактаби битирувчиси Ганишер Назаровдир. Бу йил мактабни аъло баҳоларга тугатган Ганишер тумандаги Ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежида ўқишини давом эттириш ниятида.

Ганишернинг спорт билан шуғулланиши бошлаганига кўп бўлмади, лекин у спортга ошно тугинганидан бери вақтни унумли сарфлашни, олди-

га қўйган мақсад сари собитқадамлик билан ҳаракат қилишни ўрганди. Қатор мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб, эътибор қозонишга эришди. Хусусан, ёш умидли спортчи 2011-2012 йилларда республика «Ўзбек жанг санъати» федерацияси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати баҳсларида бир неча маротаба голиблар сафидан ўрин олди. Жорий йили эса 7—16 ёшлар ўртасида ўзбек жанг санъати бўйича ўтказилган Тошкент очик чемпионатида шахсий комплекс машқлари йўналишида, 60 кг вазн тоифасида биринчи ўринга муносиб қурилди. Қувонарлики, Ганишер ёш бўлишига қарамай, спорт устаси унвонини олишга ҳам муваффақ бўлди.

— Хар бир спорт тури, хусусан, ўзбек жанг санъати ҳам инсонни имродли, матонатли, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб тарбиялайди ҳамда ҳалоллик тушунчасини теран-



роқ англашга туртки беради, — дейди ёш спортчи. — Спортга бошқа тенгдошларимга нисбатан кечроқ кириб келган бўлсам-да, ўзимда қатъиятлик, тартиб-интизомлик каби хислатларни шакллантира олдим.

Ганишер дўстлари орасида ҳам намунали ҳуқли, жамоат ишларидаги фаоллиги, хушмуомалалиги билан ҳурмат қозонган. Шунингдек, ўзида хар бир спортчининг шioriга айланган сабрлилик, камтарлик, ҳалоллик ва руҳий кучқудрат каби фазилатларни мужассам этган Ганишер халқаро мусобақаларда ҳам зафар кучиб, ўзбек жанг санъати доврўгини дунёга ёйиши, ўз олдида қўйган юксак марраларга эришиши шубҳасиз.

ЗЕБО АЛИЕВА,
Бўстонлик туманидаги 36-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

НАВБАТДАГИ МАНЗИП БОРНМУТ

Жорий йилнинг 23—28 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида Кураш халқаро ассоциациясининг XIII Конгресси ҳамда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Чемпионатга тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида 10—17 июль кунлари Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов раҳбарлигидаги делегация Борнмут шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф натижалари ва тайёргарлик жараёни ҳақида кенг оммага маълумот бериш мақсадида Кураш халқаро ассоциациясида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда делегация аъзолари ташриф давомида чемпионат ўтказиладиган Англия жанубидаги етакчи ўқув муассасалардан бири — Рочестер коллежидан янги барпо этилган «Рой Мур» спорт мажмуасида бўлиб, жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси ишлари билан яқиндан танишгани, Буюк Британия Кураш ассоциацияси раҳбарлари билан учрашув ўтказилганини таъкидладилар.

Шунингдек, ташриф чоғида чемпионат махсус белгиси (логотипи), рамзи ва www.worldkurash2012.com расмий сайтининг тақдироти бўлиб ўтди.

Бугун республикаимизнинг энг чекка қишлоқ ва овуларига табиий газ қувурлар орқали етказилимда. Табиий газ кўп тарафлама фойдали. Аммо инсонлар озгина эътиборсизлик туфайли ўзларига катта ташвиш орттириб олиши мумкин.

ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари доимо самарали фаолият олиб бормоқда. Хусусан, соҳа ходимлари мунтазам равишда фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини ўтказиб, олов ўз жиловидан чиқиб кетганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва буларнинг олдини олиш учун қандай қоидаларга риоя қилиш зарурлигини тушунтириб келади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳалла профилактика инспекторлари, газ таъминоти идоралари ходимлари билан биргаликда фуқаролар томонидан хонадонлар, иш жойлари ва шахсий ошхона каби жойларда ўзбошимчилик билан газ қувурига улаб олинган резина шлангларини ва қоидаларга зид равишда ишлайётган ясама мосламаларни бартараф этиш, улардан келиб чиқадиган кўнгил-

Жаҳон чемпионати доирасида ташкилий қўмита аъзолари Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда махсус маданий дастур ҳам ташкил этиш масаласини муҳокама қилдилар. Бу дастур орқали маҳаллий аҳоли ва чемпионатга ташриф буюрганлар кураш ватани — Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати ҳамда миллий омлари билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Анжуманда кураш оламидаги муҳим воқеалардан яна бири — жорий йилнинг 6-8 июль кунлари Конго Республикаси пойтахти Браззавилда ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган кураш бўйича Африка чемпионати ҳақида ҳам маълумот берилди. Таъкидлашничи, у юқори савияда ташкил этилиб, мамлакатнинг барча ОАВда кенг ёритиб борилган, мусобақаларда 20га яқин давлат вакиллари иштирок этган.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

01

сизликларга йўл қўймаслик мақсадида қўшма рейдлар ўтказишмоқда.

Агар 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида содир бўлган ёнғинларни таҳлил қилсак, айнан газ ускуна ва мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, ота-оналарнинг ёш болаларга газдан фойдаланишга рухсат бериши, газ плиталарини ёқиб, иситиш, ва нихоят, лоқайдлик оқибатида содир бўлган ёнғинлар сабаб катта миқдорда моддий зарар қўрилганга гувоҳ бўламиз. Шу боис, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари фуқароларга яна бир бор ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон эканлигини эслатиб ўтади. Бу эса, ўз навбатида барчамиздан оғоҳлик ва ҳушёрликни талаб этади.

КАЗИМОВ,
12-ХЕХО инспектори,
кичик сержант
У.УСМОНОВ,
Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ
кичик инспектори

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Мирзакалон Исмоилий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Урганч» халқаро аэропорти раҳбарияти ва жамоаси техник таъминот бўйича муҳандис

Элдор РЎЗМЕТОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

СУВ, ҚУЁШ, ҲАВО — БОЛАЖОНЛАРГА ДАВО



Ёз мавсумида сув, ҳаво ва қуёш ваннаси энг фойдали, табиий, болаларни зериктириб қолдиришдан бетақдор муолажадир. Ўсиб келаётган ёш организмга очик ҳавзалардаги қуёшдан илқик олган сув роҳат бағишлайди. Бола танига хуш ёқадиган сув уларнинг фаоллигини таъминлайди. Умуртқа поғонасининг қий-шайиши, яъни сколиознинг олинми олади, физиологик ривожланишда орқада қолган болаларнинг тенгдошларига етиб олишига ёрдам беради.

Шу сабабдан пойтахт-миздаги 348-МТМ жамоаси болаларни ёзги чиниқ-

тиришга алоҳида эътибор бериб, қуёш, кум ва сув ваннасинан оқилона фойдаланяпти. Бунинг учун ҳар бир гуруҳнинг чўмилиш графиги белгилаб олинган.


— Бугунги кунда ота-оналар ва шифокорлар болаларни табиий йўллар билан даволашга катта аҳамият қаратмоқдалар. Бунда бизга энг саҳий кўмакчи — сув. Чунки бола сувда яйраб чўмилганда организмда модда алмашинуви яхшиланади, иштаҳаси очилади. Тарбияланувчиларимиз бу каби табиий чиниқтирилганда, қишқи мавсумда уларнинг касалликка чалиниш ҳоллари ҳам камаяди.

Фақатгина боғча ҳамширалари ҳар кунлик сувнинг алмаштирилиши, ҳарорати ва санитария-гигиена ҳоидаларига амал қилишлари муҳим, — дейди муассаса мудираси Шоира Раҳимова.

Демак, ёзнинг шифобахш сувида болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг айнаи пайти. Бу фурсатдан унумли фойдаланиш ва болаларнинг сувдан қувват олишини таъминлашга ҳар бир мактабгача таълим муассасасида эътибор беришса, айнаи муддао.

Насиба ЭРХОНОВА

Бўрхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИ ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, фан ва
маданият ходимлари
касба уюшмаси
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-718.
Тираж 33294.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qilinnaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Yza miyoni — 21.05
Topshirildi — 22.30